

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**САБИРОВА ЗИЁДАХОН АЗИМЖОНОВНА**

**ДЕФОРМАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЯХЛИТ  
ШАКЛЛАНГАН БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ  
ЯРАТИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Сабилова Зиёдахон Азимжоновна**

Деформацион хусусиятлардан фойдаланиб яхлит шаклланган буюмларни ишлаб  
чиқариш усуллари яратиш..... 3

**Сабилова Зиёдахон Азимджановна**

Разработка способов изготовления цельноформованных изделий на основе  
применения деформационных свойств материалов..... 25

**Sabirova Ziyodahon Azimjonovna**

Development of methods for the manufacture of solid-formed products based on the  
use of deformation properties of materials ..... 47

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 50**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**САБИРОВА ЗИЁДАХОН АЗИМЖОНОВНА**

**ДЕФОРМАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ЯХЛИТ  
ШАКЛЛАНГАН БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ  
ЯРАТИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В 2018.4.PhD/T939 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ташпулатов Салих Шукурович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Нигматова Фатима Усмановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Пулатова Сабохат Усмановна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 20 август соат 9-00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5. тел.: (+99871) 253-06-06, факс:(+9987) 253-36-17, e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), ТТЕСИ маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№107-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5, тел. (+99871) 253-06-06. e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “06” август куни тарқатилди.  
(2021 йил “06” августдаги 107-рақамли реестр баённомаси).



**А.Э.Гуламов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раис уринбосари, т.ф.д., профессор

**А.З.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**И.А.Набиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда чарм-мўйна ва тўқимачилик саноатида табиий мўйнадан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутди. Бу соҳада Италия (23,39%), Корея (9,60%), АҚШ (6,80%), Аргентина (6,11%), Германия (5,72%), Бразилия (4,88%), Буюк Британия (2,94%), Хитой (2,88%), Хиндистон (1,97%) каби давлатлар етакчи мамлакатлар ҳисобланади<sup>1</sup>. Чарм-мўйна саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш, янги миллий брендларни яратиш, мўйнали кийимларни тайёрлаш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш усуллари ва воситаларини яратиш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда тикув буюмларини тайёрлаш жараёнида чарм ва мўйна хом-ашёсидан оқилона фойдаланиш техника ва технологияси илмий асосларини ривожлантириш, ресурсларни тежайдиган инновацион технологияларни яратиш ёки мавжуд технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, тикувчилик технологик жараёнида маҳсулотга таъсир этувчи параметрлар оптимал кўрсаткичларини аниқлаш, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланган ҳолда янги илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш, тикув буюмлари ассортиментини кенгайтириш, фойдаланилаётган коллаген асосли полимер композицияларни жараёнга таъсир даражасини аниқлаш, деформацион хусусиятлардан фойдаланиб яхлит шаклланган тикув буюмларини ишлаб чиқариш усуллари яратишга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда.

Республикамизда ҳам маҳаллий табиий мўйна саноатининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш асосида маҳаллий қорақўлчилик саноатини дунё бозоридаги обрўсини кўтариш, илғор технологияли қайта ишлаш тармоқларини такомиллаштириш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан маҳаллий хом ашё асосида экспортга йўналтирилган янги маҳсулотлар турини ва ассортиментини кўпайтириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида назарда тутилган, хусусан "...принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия

---

<sup>1</sup> <http://www.splaix.ru/k5.html>

тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илғор технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш...”<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу вазифаларни амалга оширишда, хусусан қоракўлчилик маҳсулотларини, хом ашёларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарда замонавий технологияларни жорий этиш ва мавжуд иккиламчи хом-ашёларни қайта ишлашнинг инновацион усулларига асосланган коллаген таркибли полимер композициядан фойдаланиб ресурстежамкор технологиядан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 мартдаги ПҚ- 3603-сон «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтгача мўйнадан тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асосларини яратиш ва такомиллаштиришда, ва унда полимер композициялардан фойдаланиш технологиясини ривожлантиришда бир қатор олимлар, жумладан Ф.М.Пармон, Е.М.Базаев, Г.П.Зарецкая, Н.Б.Рыкова, Е.Х.Меликов, Л.В.Лопасова, Е.Г.Андреева, И.В.Черунова, Р.Р.Абдирасулова, Л.А.Терская, О.В.Гусакова, И.Л.Найданова, Т.Л.Гончарова ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Республикаимиз олимларидан С.Ш.Ташпулатов, Т.Ж.Қодиров, Ф.У.Нигматова, С.И.Исмаилова, Г.И.Темирова ва бошқалар томонидан тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантиришда полимер композициясини қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, турли ассортиментдаги тикув буюмларини тайёрлаш жараёнида чарм ва мўйна хом-ашёсидан оқилона фойдаланиш ва унинг чиқиндиларини иккиламчи қайта ишлаш асосида коллаген таркибли полимер композициядан фойдаланиш, инновацион ресурстежамкорликка оид технологияларни яратишда хом-

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида” Фармони

ашёларнинг физик-механик, жумладан деформацион хусусиятларидан тўлақонли фойдаланиб ресурстежамкор технологияларни яратиш, замонавий дизайндаги тикув буюмларини ресурстежамкорлик технологияси асосида ишлаб чиқаришга жорий қилиш, мўйнадан тикув буюмлари тайёрлаш учун унинг деформацион хусусиятларидан самарали фойдаланиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг тадқиқот иши бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-А3-63 «Ресурстежамкорликка асосланган тикув буюмлари деталларини бириктиришда полимер композицияни суртиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 й.й.) мавзусидаги давлат гранти лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** материалнинг (табiiй мўйна мисолида) деформацион хусусиятларидан фойдаланиб яхлит шаклланган тикув буюмларининг ресурстежамкор ва полимер композиция орқали шакл мустаҳкамлигини таъминлашни назарда тутувчи усулни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

табiiй мўйнадан тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини ресурстежамкорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

турли ассортимендаги тикув буюмларини тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиясини такомиллаштириш усулларини таҳлил қилиш;

турли ассортимендаги табiiй мўйна хом-ашёсининг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

табiiй мўйнадан яхлит шаклланган буюмлар олишнинг ресурстежамкор технологик жараёни кетма-кетлигини шакллантириш;

тикув буюмини ишлаб чиқаришнинг инновацион ресурстежамкор усулини корхона шароитида апробациядан ўтказиш, тадбиқ қилиш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий хом-ашё – табiiй мўйнадан тайёрланган буюм олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни табiiй мўйнага коллаген таркибли полимер композицияни қўллаб, хом-ашёни деформацион хусусиятларини кенгайтириш ва тикув буюмини (бош кийим мисолида) ресурстежамкор технологик жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий-техникавий маълумотни умумлаштириш учун аналитик усуллардан, шунингдек, тадқиқот жараёнида математик статистика, тажриба натижарини қайта ишлаш, тизимли таҳлил, полимерлар кимёси, тикув буюмлари технологияси усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий мўйнадан яхлит шаклланган бош кийимини тайёрлаш имконини берувчи коллаген таркибли полимер композициясининг коллаген, акрил

кислотаси, калий персульфат ва сувдан иборат янги муқобил таркиби аниқланган;

коллаген таркибли полимер композицияни қўллаб турли мўйналардан яхлит бош кийим тайёрлашда юқори шакл барқарорлигини таъминловчи тикув технологиясининг оптимал режимлари ишлаб чиқилган;

полимер композиция билан ишлов берилган мўйнанинг сегмент радиуси, сегмент баландлигига боғлиқ холда деформациялашга йўналтирилган куч, узилиш кучи, узилишдаги узайиши, бикрлиги каби кўрсаткичларининг рационал қийматлари аниқланган;

коллаген асосли полимер композицияси қопламасига эга бўлган табиий мўйнанинг шакл ҳосил қилиш хусусиятини баҳоловчи чўзувчи кучнинг йўналиш бурчаги ва унинг миқдорига нисбий узайишларининг ўзгариши орасидаги ўзаро боғланишлари ишлаб чиқилган ва шакл ҳосил қилиш кўрсаткичларига полимер композициянинг таъсир даражаси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табиий мўйнадан яхлит шаклланган тикув буюми тайёрлашда коллаген таркибли полимер композицияни қўллаш орқали ресурстежамкорлик технологиясининг янги услуби яратилган;

таркибида коллаген бўлган полимер композицияли материал (табиий мўйна)дан тикув буюмини ишлаб чиқаришнинг инновацион ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг самарали эканлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, амалиётга табиқ этиш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлиги ва уларни ўрганилган фан соҳасидаги мавжуд маълумотларга мутаносиблиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий мўйнадан яхлит шаклланган тикув буюми ассортиментини корхоналарда ресурстежамкор технология асосида табиий мўйнадан бош кийимни тайёрлашда коллаген асосли полимер композицияни қўллаган холда деформацион хусусиятларини ҳисобга олиш механизмининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий мўйнага коллаген таркибли полимер композициядан фойдаланиб, хом-ашёни деформацион хусусиятларини кенгайтирилганлиги ва тикув буюмини ресурстежамкор технологик жараёни яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Материалларни ва тикув буюмлари деталларини ишлаб чиқариш сифатини оширишга қаратилган ва ресурстежамкор янги технологияни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

таркибида коллаген бўлган полимер композицияли (табиий мўйна) материални ҳосил қилиш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 20180094)



олинган. Натижада табиий мўйнаннинг деформацияланувчи хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ресурстежамкорлик асосида яхлит шаклланган буюмларни ишлаб чиқариш имконини берган;

яратилган тикув буюми деталларини полимер композицияни қўллаш орқали яхлит шакллантирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш янги технологияси «Меховая мода» тикувчилик корхонасида («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2019 йил 9 октябрдаги №МЗ-3/2612-сон маълумотномаси) ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Тадбиқ этиш натижасида модернизациялашган технологиясини ишлаб чиқаришдаги қиёсий таҳлили асосида меҳнат унумдорлиги 2 баробар ошишига эришилган;

материалларнинг деформацион хусусиятларини яхшилаш асосида тикув буюмларини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси «JAMA STYLE» МЧЖда («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 25 октябрдаги №ФЖ-14-5739-сон маълумотномаси) тадбиқ қилинган. Корхонага жорий этилиши натижасида тикув буюми ишлаб чиқариш самарадорлиги 10 фоизгача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг асосий мазмуни ва натижалари 7 та илмий-техника конференцияларида, шунингдек 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсида илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та илмий мақола, шулардан 4 таси Scopus халқаро базасига киритилган журналларда эълон қилинган, 1 та монография чоп этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та ихтиро учун патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чарм ва мўйнаннинг инсон ҳаётидаги ўрни”** деб номланган биринчи бобида табиий мўйна ва чарм турлари, уларни ишлаб чиқариш таҳлили, ушбу хом-ашёлардан тикув буюмлари деталларини ишлаб чиқариш, шакл ҳосил қилиш ва уни сақлаш йўлларининг таҳлили, турли хом

ашёлардан тайёрланадиган тикув буюмлари деталларини шаклини сақлаш хусусиятлари, тикув буюмлари деталларининг шакл ҳосил қилиш ва сақлашда полимер композицияларнинг қўлланилиши ва бу соҳада жаҳонда таниқли олимлар томонидан эълон қилинган илмий тадқиқот ишлари ва патентлар таҳлили келтирилган.

Табиий мўйнадан тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда турли ассортиментдаги тикув буюмларини тайёрлаш жараёнида табиий мўйнанинг физик-механик хоссаларидан тўлақонли фойдаланиш, чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш асосида коллаген таркибли полимер композициядан инновацион ресурстежамкорликка оид технологияларни яратишда фойдаланиш ва кенг ассортиментдаги тикув буюмларини ресурстежамкор технологияси асосида ишлаб чиқаришга жорий қилиш, тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини оширишнинг мақбул вариантларини яратиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини инновацион усуллар ёрдамида ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти, услубини танлаш ва асослаш”** деб номланган иккинчи бобида чарм (мўйна) ишлаб чиқариши чиқиндиларидан оқсилли коллаген препаратлар олиш ва самарали коллаген таркибли полимер композициялар яратиш учун турли кимёвий материаллардан фойдаланилганлиги келтирилган.


Яратилган усул енгил саноатга тегишли бўлиб, хусусан қабарик шакл берилган буюмлар тайёрлаш учун коллаген таркибли материал ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ. Усулга ошланмаган тери чиқиндиларини натрий гидроксид эритмасида эритиш, эритмани нейтраллаштириш, эритмага ўзаро боғловчи реагент қўшиш, композицияни шакллантирувчи юзага қўллаш, қуриштириш ва қиздирилганда материални шакллантириш киради. Коллаген композицияси таркибига коллаген массаси 20-40%, акрил кислотаси 15-30%, калий персульфат 0,3-1,2% ва қолган қисмига сув киради. Коллаген таркибли шакл ҳосил қилувчи материални олишнинг ишлаб чиқилган усулида белгиланган параметрлар бўйича шакл барқарорлигини (1-расм) таъминлайди ва ташқи факторлар таъсирига чидамлилигини оширади (2-расм).

Коллаген таркибли шакл ҳосил қилувчи материални олишнинг ишлаб чиқилган усули шарсимон сегмент каби ҳажмли сирт намунасида кўриб чиқилган ва унинг схемаси 1-расмда келтирилган. Бундай ҳолда, сегментнинг бурилиш ўқи сифатида баландлиги -  $h$ , шарнинг маркази -  $O$ , шар радиуси -  $R$  билан кўрсатилган, коллаген таркибли материал маҳсулотнинг маълум бир шаклини беради, бу намлик билан ишлов берилгандан кейин бурилиш узунлигининг ўзгариши билан баҳоланади.

Таклиф этилаётган усул, хусусан полимерлар ва қўлланиладиган композициянинг ўзаро таъсири натижасида коллаген таркибли яхлит шаклланган материал ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Коллаген композициядан фойдаланган ҳолда мўйнали буюмларда ҳажмли декоратив элементларни ишлаб чиқаришнинг усули маълум хисобланади.

Композиция таркибида коллаген массаси, глицерин, эман экстракти тозаланган балиқ ёғи ва сув мавжуд; шакл бериш эса колодка-формасида амалга оширилади, коллаген таркибли композиция эса мўйна қисмининг ҳажмли декоратив элементларнинг жойлашишига мос келадиган жойларига қўлланилади.



$h$ - берилган сегмент баландлиги (м),  $R$ - сегмент радиуси (м),  $C$ -сегмент маркази,  $O$ -шарнинг маркази

### **1-расм. Шакл ҳосил қилган буюмнинг ҳажмли юзаси**

Коллаген таркибли материални ишлаб чиқариш усули ҳам маълум. Ошланмаган тери чиқиндиларидан коллаген эритмаси, терининг ошланган чиқиндиларидан эса ҳажми 0,2 - 0,6 мм қаттиқ заррачалар бўлган аралашма тайёрланади.

Эритма ва аралашмани 1-5 соат давомида  $15^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда аралаштирилади, таркибида ошланмаган коллаген 0,1-2 %, 0,3-10% ошланган коллаген ва  $\text{pH}$  2,6-5 бўлади. Масса 0,2-0,6 мм ўлчамгача филтрланади,  $0-5^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача совутилади, ўзаро боғловчи восита 0,15-7,0 масса, % миқдорида қўшилади ва ҳосил бўлган аралашма  $5^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда бир ҳил ҳолга келтирилади. Музлатиш амалга оширилади, унда аралашманинг ҳарорати минус 14 дан минус  $75^{\circ}\text{C}$  гача 0,1-2 соат ичида пасайтирилади ва минус 2 дан минус  $20^{\circ}\text{C}$  гача бўлган ҳароратда 4-24 соат давомида музлатилади.

Натижада, ҳосил бўлган полимер материал муздан туширилади ва хона ҳароратида нам ҳолда 6-12 соат давомида ҳавода ушлаб турилади,  $85-105^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади, хона ҳароратида 10-20 дақиқа давомида совутилади ва 30-40% қолдиқ намликгача сиқилади. Кейин материал иссиқ прессланади ва кейинчалик ҳавода 12-24 соат давомида юкланишсиз ушлаб турилади.

Маълум усулларнинг камчиликлари меҳнат ва материал сарфланиши, ҳосил бўлган материалнинг намлик билан ишлов беришга беқарорлиги.

Ошланмаган тери чиқиндилари масса нисбати 1,2:5 бўлган натрий гидроксид эритмасида 5% эрийди. Тери чиқиндилари тўлиқ эритилгандан сўнг аралаш сирка кислотаси билан нейтраллаштирилади. Олинган эритма филтрланади ва композиция таркибида коллаген массаси бўлиб хизмат қилади. Коллаген таркибли композицияни қуйидаги таркибий қисмлардан (%)

тайёрланади: коллаген массаси 20-40, акрил кислотаси 15-30, калий персульфат 0,3-1,2 ва сув 64,7-28,8. Коллагенли композицияни материалнинг ортига юзасига суртилади, қолипланади ва 3-4 соат давомида 60-70°C ҳароратда қуритилади.

Композициядаги акрил кислота ва калий персульфат ўзаро боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Иссиқлик таъсирида калий персульфат ҳосил бўладиган сирт толалари ва коллаген билан радикал полимеризация марказлари ҳосил бўлиши билан ўзаро таъсир қилади. Акрил кислотанинг коллаген ва шаклни ўрнатувчи асос толалари билан пайвандланган кополимеризацияси бўлиб ўтади. Натижада асосли толалар - полиакрил кислотаси - коллагеннинг кимёвий боғланган тизими ҳосил бўлади.

Яратилган усул 6 та вариантларда амалга оширилиши мумкин (лавҳа):

**1-вариант.** Ошланмаган тери чиқиндилари 15-40 мм ўлчамдаги бўлақларга бўлиниб, масса нисбати 1,2:2 га тенг бўлган 5% натрий гидроксид эритмасига қўшилади. Коллагенни шишириши учун аралашма бир неча соатга қолдирилади ва 50°C да аралаштириб эритилади. Тери чиқиндилари тўлиқ эритилгандан сўнг, аралаш сирка кислотаси билан нейтраллаштирилади. Олинган эритма сирка кислотаси билан  $pH = 6-6,5$  гача нейтраллаштирилади ва филтрланади. Коллаген таркибли композиция куйидаги таркибий қисмлардан тайёрланади (%): коллаген массаси - 30, акрил кислотаси - 30, калий персульфат - 0,6 ва сув - 39,4. Ҳажмли ярим тайёр маҳсулот шакл берувчи матрицада 60°C ҳароратда 4 соат давомида қуритилади.

**3-вариант.** Коллаген аралашмаси 1-вариантга мувофиқ олинади. Ҳажмли ярим тайёр маҳсулот 65°C ҳароратда 3,5 соат давомида қолипда қуритилади.


**4-вариант.** Коллаген аралашмаси 1-вариантга мувофиқ олинади. Коллаген композицияси куйидаги компонентлардан тайёрланади, (%): коллаген массаси - 40, акрил кислотаси - 30, калий персульфат - 0,6 ва сув - 29,4. Коллаген композициясини шакллантирувчи юзага қўлланилади, қалинлиги текисланади. Ҳажмли ярим тайёр маҳсулот шакл берувчи матрицада 70°C ҳароратда 3 соат давомида қуритилади.

**5-вариант.** Ошланмаган тери чиқиндилари 15-40 мм ўлчамда бўлақларга бўлиниб, оғирлиги 1,2:2 нисбатда натрий гидроксид ва 5% натрий сульфат эритмасига қўшилади. Коллаген шишиши ва эриши учун аралашма бир неча соатга қолдирилади, 50°C ҳароратда аралаштирилади. Тери чиқиндилари тўлиқ эритилгандан сўнг, аралашма сирка кислотаси билан  $pH = 6-6,5$  гача нейтраллаштирилади ва филтрланади. Коллаген таркибли композиция куйидаги таркибий қисмлардан тайёрланади (%): коллаген массаси - 40, акрил кислотаси - 30, калий персульфат - 1,2 ва сув - 28,8. Коллаген таркибли композиция шакллантирувчи юзага қўлланилади, қалинлиги рақел қурилмаси билан текисланади. Ҳажмли ярим тайёр маҳсулот шакллантирувчи матрицада 60°C ҳароратда 4 соат давомида қуритилади.

Турли хил ташки омиллар таъсирида (масалан, намлик) бош кийим намуналарининг шакл барқарорлигининг полимер композицияси таркибига боғлиқлиги аниқланди (1 ва 2-расмлар). Коллаген таркибидаги таркибий қисмларнинг миқдори камайиши ёки тайёрлашнинг ҳарорат-вақт режимлари

ўзгариши билан намлик билан ишлов беришдан сўнг маҳсулотга берилган шакл сақланиб қолмайди ва сегмент баландлиги сезиларли даражада камаяди. Коллаген таркибидаги таркибий қисмларнинг кўпайиши реактивларни кераксиз истеъмол қилинишига, маҳсулот оғирлиги ва бикрлигининг ҳаддан ташқари кўпайишига олиб келади.

Коллаген таркибли шакллантирилган материал турли маҳсулотлар ассортиментини ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкин. Тавсия этилган коллаген таркибидаги композициядан фойдаланган ҳолда матрица ёрдамида шакл берилган ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш усули бир қатор афзалликларга эга: шакл барқарорлигини ошириш; коллаген ва полиакрил кислотани асосли толалар билан пайванд қилиш натижасида материалнинг намлик муолажаларга чидамлилиги; материалнинг эластик-чидамлилиқ хусусиятларини ўзгартириш, композиция таркибини ва таркибий қисмларни қўллаш кетма-кетлигини ўзгартирган ҳолда; ишлаб чиқариш осонлиги ва полимер композицияни яратишда маҳаллий компонентларни қўллаш имкониятини бериши.



**2-расм. Шакл барқарорлигини коллаген полимер композициясининг турли таркибига боғлиқлиги**

Шундай қилиб, коллаген таркибли шаклланган материални олиш усули ошланмаган тери чиқиндиларини натрий гидроксид эритмасида эритиш, сирка кислота билан эритмани нейтраллаш, филтрлаш, ўзаро боғловчи реагент кўшиш, полимер композициясини шакллантирувчи юзага суртиш ва шакл берилгандан сўнг 60-70°C ҳароратда 3-4 соат давомида қуритишдан иборат. Бу ҳолда ўзаро боғлайдиган реактив сифатида акрил кислота ва калий персульфат ишлатилади ва коллаген таркибида қуйидаги нисбатдаги компонентлар олинади: % коллаген массаси 20-40, акрил кислота 15-30, калий персульфат 0,3-1,2 бўлиб, массанинг қолган қисмига сув қўшилади.

Диссертация ишининг **“Табий мўйнанинг коллаген асосидаги полимер композицияли пакетларида шакл хосил қилиш тадқиқоти”** деб номланган учинчи бобида коллаген асосида полимер композицияли мўйнанинг иссиқлик сақлаш ва деформацияланиш хусусиятлари тадқиқ этилиб, уни

баҳоланишида олинган натижалар келтирилди, шунингдек тикув буюмлари ҳажмдор деталларининг шакл мустаҳкамлиги хусусиятлари параметрларини баҳолаш амалга оширилди. Берилган шакл мустаҳкамлиги кўрсаткичини баҳолаш ҳар хил ассортиментдаги тикув буюмларини тайёрлашда коллаген асосида тайёрланган полимер композицияни қўллаш истиқболини аниқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тўқимачилик ва бошқа турли (жумладан, нотўқима, трикотаж, чарм, мўйна ва х.к.) материалларини тавсифлашда, шунингдек, умумий иссиқлик қаршилиги - иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентининг тескариси, сирт иссиқлик қаршилиги - иссиқлик узатиш коэффицентининг тескариси ва қатламнинг иссиқлик қаршилиги қатламнинг нисбати билан тенг бўлган унинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентига қалинлиги билан изохлаши мумкин. Умумий ҳолда, иссиқлик узатиш коэффиценти иссиқлик алмашинуви юзаси бўйлаб ўзгариши мумкин ва шунинг учун сирт устида ўртача иссиқлик узатиш коэффиценти ва битта элементга мос келадиган маҳаллий (локал) иссиқлик узатиш коэффиценти ажратилади ва у намунанинг бирламчи элементига мос келади.

Мосламада 300 мм × 400 мм × 500 мм ўлчамдаги корпус мавжуд бўлиб, у органик шишадан ясалган. Ушбу материал маълум бўлган термофизик хусусиятларга эга бўлган иссиқлик изоляция қилувчи материал сифатида таснифланиши мумкин: органик шишанинг иссиқлик ўтказувчанлиги 0,178 Вт / мК ни ташкил қилади, бу ҳисоб ишларда объектдаги иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олишга имкон беради.

Ҳароратни ўлчаш диапазони - 40 дан 126 °С гача. Намуна ўлчами - 300 мм х 300 мм. Қувват манбаи - 220 Вт. Қалинлиги 5 мм гача бўлган материаллар учун жараённинг нормал босқичига ўтиш вақти 15-20 мин.; 12 мм гача - 30-40 мин.; 20 мм гача - 50-60 мин.


№1 пакетга -пахта толаси (вата прима) ва астар матолари; №2 пакетга – ватин ва астар матолари киритилади. Ўрнатишнинг ишлаш режимлари: фен машинасининг қуввати ва номинал кўрсаткичлари, ҳарорат сезгичларининг ҳарорати ва олинган хусусиятлар 1-жадвалда (лавха) кўрсатилган.

Материал пакетларининг иссиқлик ҳолати ҳаво оқими таъсирида иситилиш ва совутилиш жараёнлари 3-расмда келтирилган.

Олинган натижаларни таҳлил қилиш натижасида тавсия этилган қурилма кийим ва уларнинг пакетларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларнинг термофизик хусусиятларини тавсифловчи режимларни белгилаш ва параметрларни ўлчашга имкон бериши аниқланди. Қурилма натижаларнинг юқори такрорланишини таъминлайди: талаб қилинадиган 50° С ҳароратга етган вақт ўзгариши коэффиценти, иситиш мосламасининг номинал кўрсаткичига қараб, 7% дан 10% гача (енгил саноат соҳаси), жумладан, қишки мавсум учун бош кийим пакетига оид ушбу турдаги тадқиқотлар учун мақбул ҳисобланади.

**Экспериментал қурилмада намуналарни тадқиқот ўтказиш  
натижалари (лавха)**

Тажриба №	Вақт, сек		Харорат ўлчовчи датчик, °С		Δ T	Иссиқлик узатиш коэффициентлари Вт/(м <sup>2</sup> × К),
	иситиш	совутиш	№1	№2		
<b>Намуна №1</b>						
Номинал қуввати 3×10 <sup>-3</sup> м <sup>3</sup> /сек						
1	1884		<b>43,81</b>	50	6,18	0,05
		2208	31,75	32,68	0,93	
2	986		<b>40,31</b>	50	9,68	0,032
		1164	33,74	32,81	0,93	
3	832		<b>41,56</b>	50	8,43	0,036
		600	35,87	36,81	0,93	
4	1344		<b>42,18</b>	50	7,81	0,039
		864	34,56	35,5	0,93	



**3-расм. Материаллар пакетининг термал ҳолати диаграммаси**

Табий мўйнанинг деформацияланиш хусусиятининг кучга боғлиқлиги стандарт усуллар билан текширилди, тажрибалар бўйича боғланиш графиклари қурилди, тасмалар усулини қўллаб максимал кучланиш, нисбий узайиш, мўйна намуналарининг узилиш кучи аниқланди. Тадқиқотлар натижаларига асосланиб, намуналарнинг бир томонлама деформацияси ўзаро перпендикуляр йўналишдаги хусусиятларининг кескин фарқли бўлиши аниқланди.

Параметрлар тайёр шаблонга киритилган ва натижалар бўйича тест ҳисоботи олинган. Протоколларда кўрсатилган декодлаш: намуна кенглиги (b) мм; намунанинг узилиш пайтигача максимал тортиш кучи (E<sub>H</sub>), Н; синиш юки - намунанинг узилиши (E<sub>B</sub>) Н да қайд этилган куч; узилишдаги кучга мос келадиган максимал нисбий узайиш (ε<sub>H</sub>) %; узилишдаги максимал нисбий узайиш (ε<sub>B</sub>), %; X - ўртача қиймат, S - дисперсия, V - вариация коэффициентлари.

Жами 6 та намуна синовдан ўтказилди: ҳар бир мўйна тури учун 2 та намуна синов учун ҳар бир намунадан бешта намунадан иборат тўпلام (соч чизиғи йўналиши бўйича ва ГОСТ тавсияларига мувофиқ, қорақўл мўйнаси

учун кўшимча равишда йўналишда ва 90° бурчак остида), 6 ва 7 намуналар тўпламлари учун тестлар ўтказилди ва синов ҳисоботлари олинди, уларнинг ҳар бири учун хусусиятлар ва уларнинг статистик натижалари 2-жадвалда ва 4-6 - расмларда келтирилган.

2-жадвал


**Турли типдаги табиий мўйнанинг деформацион хусусиятининг тадқиқот натижалари (лавха)**

	Кўрсаткич қиймати, Н							
	Узилишгача узайиш		узилишда		Узилишдаги узайиш		узилишда	
	куч (E <sub>н</sub> ), Н	Нисбий узайиш, (ε н), %	куч (E <sub>в</sub> ), Н	Нисбий узайиш (ε <sub>в</sub> ), %;	куч (E <sub>н</sub> ), Н	Нисбий узайиш, (ε н), %	Куч (E <sub>в</sub> ), Н	Нисбий узайиш (ε <sub>в</sub> ), %;
Ўлчов №	Қоракўл, бўйлама йўналиш				Қоракўл, кўндаланг йўналиш			
1	15,9	26,8	13,1	27,8	29,0	31,0	28,9	31,0
2	13,1	27,8	33,2	36,0	29,5	34,4	29,3	34,6
3	14,2	24,8	13,7	35,0	29,3	35,6	28,6	35,8
4	22,2	34,8	22,9	35,0	17,3	26,8	16,4	27,6
5	27,6	37,6	27,4	37,8	17,3	27,0	16,6	27,0
х ўртача қиймат	<b>18,6</b>	<b>30,4</b>	<b>22,1</b>	<b>34,3</b>	<b>24,5</b>	<b>31,0</b>	<b>24,0</b>	<b>31,2</b>
s дисперсия	8,0	4,2	8,7	3,8	6,54	4,2	6,82	4,0
вариация коэффициенти	43	13,81	39,36	11,07	26,69	13,54	28,41	12,82
кучланиш, МПа	5,58				6,13			


Мўйна намуналарини бир қатор синовлари учун олинган графиклардан кўришиб турибдики, деформациянинг кучга боғлиқлиги қоракўл мўйнаси ва норка мўйна учун чизиқли, сув мушуги мўйнаси учун эса чизиқсиз. Сув мушуги мўйнасининг деформацияланиш жараёни бошқаларникидан фарқ қилади: чўзиш пайтида структуранинг локал бузилиши содир бўлади, бу кучнинг катталиги пасайиш нуқталари мавжудлигида акс этади (6-расм). Норка ва сув мушуги учун бу жараён сакрашсиз ўтади. 10-дан 12 Н гача бўлган мўйна чармида 10 Н гача бўлган куч билан сув мушуги ва норка учун 10% деформациянинг озроқ даражада кўриниши таъсир қилади.

2-жадвалда келтирилган синов натижаларидан кўришиб турибдики кетма-кетликдаги юкининг узилишгача (мўйнанинг бир тури учун) сезиларли ўзгаришидир, деформациянинг ўзгариши пастроқ ва 15% дан ошмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мўйнанинг узилишига чўзилган деформацияси сув мушуги мўйнаси учун 30% дан ва норка мўйнаси учун 50% дан ошади (6-расм).






а)




б)

а) бўйлама ва б) кўндаланг йўналишда  
**4-расм. Қоракул мўйнасининг чўзилиш графиги**



**5-расм. Сув мушуги мўйнасининг чўзилиш графиги**



**6-расм. Норка мўйнасининг чўзилиш графиги**

Тадқиқот ишининг ушбу қисмида коллаген асосида полимер композицияли мўйнанинг деформацияланиш хусусиятлари тадқиқ этилиб, у баҳоланишида олинган натижалар келтирилди, шунингдек тикув буюмлари ҳажмдор деталларининг шакл мустаҳкамлиги хусусиятлари параметрларини баҳолаш амалга оширилди. Берилган шакл мустаҳкамлиги кўрсаткичини баҳолаш ҳар хил ассортиментдаги тикув буюмларини тайёрлашда коллаген асосида тайёрланган полимер композицияни қўллаш истикболини аниқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Маълумки, мўйна ва унинг ички юзасига суртиладиган полимер композиция бир нечта кимёвий компонентлардан иборат. Ўрганилаётган тизимнинг ташқи кучлар таъсирига мустаҳкамлиги ва унинг таркиби учун деформация (шакл ўзгариши) механизмини ўрганишда “табiiй мўйна+полимер композиция”нинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш билан чегараланиш мумкин бўлади. Назарий ва тажрибавий изланишлар натижасида, таклиф этилаётган полимер композицияли мўйнани қўллаш натижасида

ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар сонини камайтириш мақсадида тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланилди.

Бунда, полимер композицияли мўйнадан тайёрланган хажмдор намуналар учун қуйидаги омиллар танланди: сегмент радиуси- $R$ ; берилган сегмент баландлиги- $H$ ; деформациялашга йўналтирилган куч- $P$ .

Полимер композицияли мўйнадан тайёрланган хажмдор намуналарга таъсир қилувчи, яъни кирувчи омилларни кодлаштириб олинди.

Бунда:  $X_1$  – сегмент радиуси, м;  $X_2$  - берилган сегмент баландлиги, м;  $X_3$  – деформацияга йўналтирилган куч, Н.

Кирувчи омилларнинг қийматлари 3-жадвалда келтирилган.

Кирувчи омиллар таркибидаги  $X_3$  - деформацияга йўналтирилган кучланишни олиб борилган илмий изланишлар асосида ҳисобга олинди.

Омил  $X_2$  – берилган сегмент баландлиги бўлиб, хажмдор намуналар геометрик ўлчамининг қўйи қиймати сифатида 0,06 м, юқори қиймати эса 0,10 м танлаб олинди.

### 3-жадвал

#### Кирувчи омилларнинг қийматлари

Омил номи	Кодлаштирилган белгиси	Омилнинг ҳақиқий қиймати			Ўзгариш оралиғи
		-1	0	+1	
Сегмент радиуси, м	$x_1$	0,15	0,20	0,25	0,05
Берилган сегментни баландлиги, м	$x_2$	0,060	0,080	0,10	0,02
Деформацияловчи куч, Н	$x_3$	0,40	0,60	0,80	0,2

Чиқувчи омилни, яъни шакл мустаҳкамлигини самарадорлигини тажрибавий натижалари  $Y$  (%) ва дисперсиялари 4 – жадвалда келтирилган.

Тажриба натижасида олинган такрорий қийматларини ўрта арифметик қиймати ҳисоблаб, 4-жадвалнинг 8-устунига киритилди.

### 4 жадвал

#### Чиқувчи омилнинг тажрибавий натижалари ва дисперсиялари

№	$x_1$	$x_2$	$x_3$	$Y_1$	$Y_2$	$Y_3$	$\bar{Y}$	$S^2\{Y\}$
1	-	-	-	79,4	79,9	80,2	79,8	0,16
2	+	-	-	77	77,5	76,25	76,9	0,39
3	-	+	-	78,3	77,1	77,5	77,6	0,37
4	+	+	-	76,5	77	76,7	76,7	0,06
5	-	-	+	84,4	83,9	84,1	84,13	0,06
6	+	-	+	83,4	82,9	83,6	83,3	0,13
7	-	+	+	85,4	85	84,9	77,8	0,07
8	+	+	+	77,8	78,2	77,4	85,1	0,16
Жами							641,33	1,40

Кохрен мезони ёрдамида ҳисобланган дисперсия қийматларини бир жинслилиги текширилди.

Стъюдент мезонини ҳисобий қийматини ҳисоблаш билан регрессия коэффицентларини аҳамиятлилиги текширилди. Аниқланган регрессия коэффицентлари учун Стъюдент мезонининг ҳисобий қийматлари аниқланди.

Шундай қилиб, ҳисоблашларимиз натижасида  $b_0, b_1, b_2, b_3, b_{12}, b_{13}, b_{23}$  ва  $b_{123}$  коэффицентлар аҳамиятли деб топилиб, кейинги ҳисоблашларни шу коэффицентлар билан давом эттирилди. Бунда регрессия тенгламаси ўз қуйидаги кўринишга келади:

$$Y = 80,18 - 1,49x_1 - 0,86x_2 + 2,4x_3 - 0,56x_1x_2 - 0,54x_1x_3 - 0,27x_2x_3 - 1,06x_1x_2x_3 \quad (1)$$

Олинган регрессия тенгламасини Фишер мезони асосида адекватликка текширилди.

